

“ТИЛИМИЗНИ ЎЗ ЕРИНДА ИШЛАТМАК ВА СЎЗЛАМАК ЛОЗИМДУР...”

Она тилим–тоғж кийган тилим, юрагимнинг туб-тубидан жаранг сочган тилим! Тириклик оламида нафас олишни бошлаган кунимданоқ онам алласи бўлиб жон томиримга сингган тилим! Асрлар суронидан омон келган; “халқ ғамидин ўзга ғами йўқ” ҳазрат Навоий, “анда жони қолган” Бобур, “иқболи нигун, бахти ҳам қаро” Фурқат, “тил воситаю, робитаю, оламиёндир” дегувчи Аваз, сени деб жонидан кечган Фитрату Қодирийлар, Чўлпону Элбеклар суйиб ўтган туркий забонимсан!

Равон сўзламоқ ва бехато ёза олмоқ зиёиликнинг ибтидо белгисидир. Инсонда тафаккур тили, одатда, она тили бўлади. Киши она тилида ўйлайди, она тилида фикрлайди, она тилида дилидагини тилига, нутқига кўчиради. Илк сўзи ҳам, сўнгги каломи ҳам она тили билан боғлиқ. Демак, тил миллат билан вобаста. Миллатнинг яратувчиси оналаримиз. Шунинг учун ҳам тилга нисбатан *она тили* бирлиги ишлатилиши табиий ҳол. Ҳа, тилга *она тили* даражасининг берилиши унга халқ томонидан, унинг соҳиблари томонидан кўрсатилган юксак эҳтиром намунасидир.

Манбаларда *миллат~тил~давлат* бир-бирини тақозо этувчи, ҳеч бири алоҳида фаолият кўрсата олмайдиган ва бири-бирисиз тўлақонли бўла олмайдиган серқирра категориялар сифатида эътироф этилади. Фикримизча, бу сирани *она ~ тил ~ миллат ~давлат~тараққиёт* сифатида тўлдириш зарур. Ваҳоланки, тил уммон мисоли. У шевалардан, бошқа тиллардан кириб келган лисоний бирликлар – жилғалар ҳисобига тўлиб мавжланиб туради. Шунинг учун тилнинг луғат таркиби очиқ система саналади. Жамият тараққиётида янги-янги тушунчаларнинг дунёга келиши билан тилда уларнинг номлари ҳам пайдо бўлади. Демак, ижтимоий ҳаётда рўй берган жамики ўзгариш, янгиланиш, аввало, оналаримиздек беминнат, ҳароратли тилимизда ўз аксини топади.

Йиллар ўтиб миллий либосларимиз ўзгарар, балки бизнинг миллий кўринишимиз европалашар, яшаш тарзимиз алмашар... Бироқ...

Ёруғ оламда ўзгармас нарсанинг, тушунчанинг ёки бирликнинг ўзи йўқ. Бироқ биз ўзгартиришга ҳақсиз бўлган (фақат ва фақат авайлаб асрашга, ривожлантиришга, тандаги жонимиз, жондан азиз номусимиз қадар сақлашга лойиқ бўлган) ягона қадрият–Яратганнинг инъоми бор. Бу–*она тилимиз*. Ким она тилини унутади? Ким она тилида сўзлашдан уялади? Ким она тилини паст баҳолайди ва камситади? Албатта, миллий қиёфаси, миллий ғурури, ўзлиги бўлмаганлар. Юрт, халқ, миллат тақдири хавф остида қолса,

билингки, тилфурушлар биринчилардан бўлиб хиёнат йўлига кирадилар. Зеро, Авлоний устоз тўғри таъкидлаганларидек: “Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур”.

XXI асрнинг учинчи ўн йиллигига келиб ҳар биримиз дунёга чиқишга интиляпмиз. Билъакс, тушуниб етдикки, бу ёруғ оламда ўз қобимизга ўралиб яшаб ҳам, ишлаб ҳам, ривожланиб ҳам бўлмас экан. Тараққиёт нафақат ўз-ўзимиздан ёки бир-биримиздан, балки дунёдан, дунёнинг ривожланган мамлакатлари мутахассисларидан ўрганишни, тажриба алмашишни, “чет элдаги илғор тажрибалардан фойдаланиш, тарбияда эса миллий анъана ва қадриятларга суяниш”ни тақозо этипти. Буларнинг барча-барчаси учун, албатта, дунё тилларидан бирини ёки бир нечасини билишимиз зарурати ҳам пайдо бўлганлиги сир эмас.

“Тил билмоқ—эл билмоқ”, дейди доно халқимиз. Чет тилларини ўрганишга кексаю ёш, ўқитувчию муҳандис, қўйингки, барчамиз тенг баробар бел боғлаганмиз. Бу —инкор этиб бўлмайдиган аъло даражадаги иш.

XX асрнинг бошларидаёқ Абдулла Авлоний “Ҳифзи лисон”ларида куйиниб ёзган эдилар: “Тилимизнинг ярмига арабий, форсий улангани камлик қилуб, бир четига рус тилини ҳам ёпишдурмакдадурмиз. Дуруст, бизларга ҳукуратимиз бўлгон рус лисонини билмак ҳаёт ва саодатимиз учун ош ва нон каби кераклик нарсадур. Лекин ўз еринда ишлатмак ва сўзламак лозимдур”. Бизнингча, шу —*“(чет) лисонини билмак ҳаёт ва саодатимиз учун ош ва нон каби кераклик нарсадур. Лекин ўз еринда ишлатмак ва сўзламак лозимдур”*— мантиқ бугун ҳам ўз кучини йўқотгани йўқ, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади. Демак, ўзга тилларни ўрганмоқ ўз она тилимиз ҳисобига бўлмаслиги шарт.

Статистика маълумотида кўра, шу кеча-кундузда дунёда тахминан 5621та тил ва шева рўйхатга олинган. Уларнинг ўрганилгани 500га яқин. Демак, ўрганилганидан ўрганилмагани кўпроқ ва яна ҳар уч тилдан биттасининг ёзуви йўқ. Ёзуви бўлмаган тилларнинг аксарияти фақат оғзаки нутқ шаклига эга ёки ўзгаларнинг ёзувига шерик, холос.

Мутахассислар (ўрганилган тиллар нуктаи назаридан ёндашув асосида) дунё тилларидан фақат 40тасигина оғзаки ва ёзма жиҳатдан мукамал шаклланганлигини эътироф этишади. Фахрлансак арзийдики, ўша 40та тилнинг орасида ўзбек тили ҳам бор.

Манбаларда луғат бойлиги жиҳатидан рўйхатларнинг олд каторидан уч ярим миллиондан ортиқ лексик бирлиги билан араб тили, икки ярим миллиондан ошиқ сўзи билан инглиз тили ўрин эгаллайди. Ўзбек мутахассисларининг ҳисоб-китобларига кўра, адабий тилимизга сўз танлашда “хасис”лик қилмасликни инглизлардан ўргансак (инглизларнинг луғатларидан маҳаллий шева сўзлари ҳам деярли тўлиқ ўрин эгаллаган), ўзбек тилининг сўз ва иборалари (шева ва адабий тил, касб-хунар сўзлари ва атамалар, эскирган ва янги пайдо бўлган сўзлар) замону макон нуктаи назаридан чекланмай йиғилса, дунёда энг кўп сўзли луғатлардан ҳам каттароқ луғат тузишимиз мумкин экан. Ўзбек тилининг бошқа тил

колипларига тушмайдиган, ўзига хос ривожланиш йўллари мавжудки, бу унинг ҳар куни (баъзан ҳар соату дақиқада) бойиб боришини таъминлайди.

Жумладан, шу кеча-кундузда, бозорда ёки дўконда бирор янги (айтайлик, четдан келтирилган) маҳсулот растага ёки пештахтага чиқса (табiiйки, ўша маҳсулотнинг номи ҳам тилимизга кириб келади, ўзлашади), орадан ҳеч қанча вақт ўтмай халқ ўша янги маҳсулот ёки тушунчанинг номи билан боғлиқ янги сўзларни тилида ясаб нуткида ишлатаверади:

глобал (ўзлашган сўз) – *глобаллашган, глобаллашув* (ясалган сўзлар);

сканер (ўзлашган сўз) – *сканерли (хона), сканерсиз (нусхалаши), сканерламоқ, бесканер (ишламоқ), сканер қилмоқ* (ясалган сўзлар);

кардиган (аёлларнинг енгсиз уст кийими; ўзлашган сўз) – *кардиганли, кардигансиз, бекардиган, кардиганбоп* (ясалган сўзлар);

интернет (ўзлашган сўз)– *интернетли, интернетсиз, интернетбоп (видео), интернетчи, интернетсоз* (ясалган сўзлар);

хотдог (ўзлашган сўз)–*хотдогчи, хотдогфуруш, хотдогназ, хотдогли (дастурхон), хотдогсиз (тушлик), хотдогхўр* (ясалган ёки ясалаётган сўзлар) ва ҳ.

Ливон тили ҳақида эшитганмисиз? Латвияда ливон тили бўлиб, унда жами 200га яқин киши мулоқот қилиши аниқланган. Ёки Гвинеянинг маҳаллий тилларидан бирининг номи таки бўлиб, мутахассислар бу тилни дунёнинг энг камбағал тили деб ҳисоблашади. Чунки унинг луғат бойлиги 400та сўзга ҳам етмайди.

Демак, қадрласак арзийдиган, бой тилимиз бор. Тилшунос олим Алибек Рустамов “Сўз хусусида сўз” (Тошкент, 2009) рисоаларида: “... билишимиз зарурки, ғарб техникада илғор, аммо маънавият, маърифат, санъат ва тилда шарққа нисбатан анча орқада”, деб ҳақ гапни ёзадилар.

Инсон зоти борки, ҳар соҳада, ҳар жабҳада, ҳар ўринда гўзалликка интилади. Инсон қачонки гўзалликка интилмас экан, унинг табиати хайвонлашади. Ўзбек тилида тирикликка хос жамики гўзалликларни бадий ифодалаш имконияти ниҳоятда кенг ва ранг-баранг. Шу боис биз ўзбеклар нутқимизда сўзлар тизмасидан шунчаки фойдаланмаймиз.

Эътибор беринг-а?!

1. «Хотиннинг юрагига йўл топсанг, болаларингни туғади, эрим деб ардоқлайди-да.» (Аёлга нисбатан айтилган чапани гап.) Айнан шу гапни Фарида Афрўз бундай ифодалайди:

Аёлни сев,

аёлга ёлбор.

Минг бир кеча эртакларинг айт,

Алпомишлар тугиб беради.

Аёлни сев,

остонасин ўп.

Қаср қурма, кўнглини сўра.

Бало келса, туриб беради.

Аёлни сев,

Ўламан дегил.

*Ишқ яратган парвардигордан,
Сенга умр сўраб беради.*

2. «Бунча эсинг паст бўлмаса?! Ҳеч ўқийсанми?! Ўқи ахир!» Қўпол жумла. Шундай эмасми?! Айнан шу гапни Абдулқодир Бедил ҳазратлари бундай ифодалайди:

*Фикрсиз ақлнинг занги бўлади,
Илм-ла эговла, янги бўлади.
Ойнадан ибрат ол, бир кун артмасанг,
Устида бир энлик чанги бўлади.*

3. «Дунёда кир қидирувчи бўлсанг, худодан топасан!» Аёвсиз, аммо аниқ мантиқ. Бу мантиқни устоз Садриддин Салим Бухорий шундай ифодалайди:

*Иллат излаганга иллатдур дунё,
Ғурбат излаганга ғурбатдур дунё.
Ким нени изласа, топар бегумон,
Ҳикмат излаганга ҳикматдур дунё.*

4. «Тақдирда ёзилгани бўлади!» Баъзан бу жумладан этимиз увишади... Халқимиз буни ўз латифаларида “қоғозга ўраб” кулиб айтади:

Бир куни Афандининг олдида Азроил келди ва деди:

–Сенинг навбатинг келди. Жонингни оламан!

–Қани, рўйхатингни кўрсат-чи,—дебди Афанди. Рўйхатни кўрса, ҳақиқатан ҳам, навбати келган экан.

–Бир пиёла чой ичиб тур, Азроилжон. Мен ювиниб покланиб олай,— деб чойга уйқу дори солиб берибди Афанди.

Азроил ухлагач, рўйхатдан номини ўчириб, охирги қаторга ёзиб қўйибди.

Азроил уйғониб:

–Э Афанди, маза қилиб дам олдим. Яхшилигинг учун рўйхатни охирги қатордан бошлайман,— дебди.

5. Баъзан бир романда бериш мумкин бўлган мантиқни бизнинг тилимизда жуда қисқа тарзда ифодалаш ҳам мумкин:

*Сиз менга кераксиз,
Мен сизга кераксиз... (Р.Парфи)*

Бу каби мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин.

Она тилимизнинг софлигини сақлаш, талаффуз меъёрларидаги чалкашликларга барҳам бериш ва унинг таълими борасида бажаришимиз зарур бўлган ишлар, эгаллашимиз зарур бўлган билим, малака, кўникмалар бисёр. Она тилимизга эътибор учун ҳар биримиз масъулмиз, унинг таълими замирида ҳам шу масъулиятни кучайтириш вазифаси туради. “Давлат тили тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилинганлигига 32 йил тўляпти. Мутахассисларимиз ўтган йиллар давомида тилимизнинг мавқеини орттириш учун кам ҳаракат қилдик, дейишяпти; бу борадаги камчиликларни санаб ўтишяпти; ўзбек тилининг Давлат тили сифатидаги мақомини ошириш учун қилиниши лозим бўлган ишларни таклиф қилишяпти. Бу яхши. Аммо статистик таҳлил шуни кўрсатади: ўзбек тили шу давр ичида мақомини тиклади. Қонун ўз вазифасини бажарди. Қонунни янада мукаммаллаштириш вақти келди. Қонунни қайта ишлаш жараёнида давлат тилини қўллашга

қатъий талаб қўйиш, уни бошқа давлатларнинг давлат тили ҳақидаги қонуни билан солиштириш, ижобий томонларидан намуна олиш вақти аллақачон етган. Бугун ўзбек тилининг давлат тили мақомини янада кучайтириш ҳақида бош қотиришимиз, бу йўлда собитқадамлик билан амалий ишлар қилишимиз керак.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармони қабул қилинган тил сиёсати борасидаги ишлар сезиларли даражада амалга оша бошлади. Демак, юртимизда миллий юксалиш даври талабларидан келиб чиқиб, она тилимизнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш бўйича кенг қўламли ишларни амалга ошириш учун расмий дадил қадам ташланди. (Бу аждодларга армон бўлган орзуларнинг рўёби; юксак шараф, улуғ эътироф намунасидир.)

Ўйлаймизки, бу истиқлолимизнинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимизни асраш борасида халқимиз, аждодларимиз улуғлаган йўлни оғишмай давом эттиришимизда ҳуқуқий асос бўлиб қолади.

Зеро, бугун биз қалбан, маънан, руҳан, сийрату суратан ўзбек деган номга муносиб бўлиб яшашга тўла ҳақлимиз.

*Йўлдошева Дилором Нейматовна,
Бухоро давлат университети
ўзбек тилишунослиги кафедраси
профессори*